

Майитнинг номидан қурбонлик қилиш



09:00 / 18.07.2021 8538

Аслида қурболик тирикларнинг амали бўлиб, Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мақсадида амалга оширилади. Шундай бўлсада, майит номидан қурбонлик қилишнинг бир неча кўринишлари бор:

1. Майит ҳаётлик пайитида меросхўрларига ўзининг молидан қурболик қилишларини васият қилиб кетиши.

Қурбонликнинг нархи мероснинг учдан биричалик бўлса, меросхўрларига васиятни бажариш вожиб бўлади. Агар мероснинг учдан биридан кўп бўлса, меросхўрлари майитга яхшилик, эҳсон тариқасида васиятни бажаришлари мустаҳаб саналади.

2. Жонлиқ сотиб олиб, қурбонлик учун тайинлаб қўйиб, сўйишдан олдин вафот этиб қолса, меросхўрлари ўша жонлиқни қурбонлик сифатида сўйишлари вожибдир.

3. Эркак ёки аёл қурбонлик қилиб, ўзи ҳамда тирик ва ўлган қариндошларининг номидан деб, ният қилиши жоиз. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар.

4. Кўнгилдан чиқариб, майитнинг номидангина ният қилиб қурбонлик қилиш. Бу банднинг тафсилоти бор:

- Ҳанафий, моликий, ҳанбалий ва баъзи шофеъий уламолар бундай қурбонликнинг савоби маййитнинг номидан қилинган садақага қиёсан унга етиб боради, дейишган.

- Шофеъийларнинг мўътамад қавлида маййитнинг номидан қилинган қурбонлик ўтмайди. Аммо унинг номидан қурбонлик қилган одам: «Аллоҳим, бу қурбонликнинг савобини фалончига етказ», деса, савоби маййитга етади.

- Ҳанбалийлар маййит савобга мухтож бўлгани учун унинг номидан қурбонлик қилишнинг савоби кўпроқдир, дейишган.

- Моликийлар маййитнинг номидан қилинган қурбонлик дуруст. Лекин риё ва мақтаниш хавфи борлиги учун макруҳдир, дейишган.

5. Айримлар ўйлаганидек, қурбонлик қилиш фарз бўлган ҳаж ибодатини адо қилиш билан боғлиқ иш эмас. Ҳаж қилган ҳам, ҳаж қилмаган ҳам қурбонлик қилаверади.

6. Маййитнинг номидан қурбонлик қилган одам уни садақа қилиш, ейиш ва ҳадя қилиш масалаларида ўзини номидан қурбонлик қилганида нима қилса ўшаларни қилади.

Аллоҳ сизу биздан солиҳ амалларимизни қабул қилсин.

Доктор Муҳаммад Содиқ Дарвиш.

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф таржимаси